

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ТУРОБОВ БЕКПУЛАТ НУСРАТУЛЛАЕВИЧ**

**Е.Э.БЕРТЕЛЬС ИЖОДИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ФАЛСАФИЙ-  
ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

**09.00.03 - Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Туробов Бекпулат Нусратуллаевич**

Е.Э.Бертельс ижодида Алишер Навоий фалсафий-тасаввуфий қарашлари  
таҳлили ..... 3

**Туробов Бекпулат Нусратуллаевич**

Анализ философско-суфийских взглядов Алишера Навои в творчестве  
Е.Э.Бертельса ..... 21

**Туробов Бекпулат Нусратуллаевич**

Analysis of philosophical and sufisian views of Alisher Navoi in the work of  
E.E.Bertelse ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of publications  
Список опубликованных работ ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ТУРОБОВ БЕКПУЛАТ НУСРАТУЛЛАЕВИЧ**

**Е.Э.БЕРТЕЛЬС ИЖОДИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ФАЛСАФИЙ-  
ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

**09.00.03 - Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Fall165 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Бозоров Мустафо Жаббарович</b> фалсафа фанлари номзоди, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Намозов Бобир Бахриевич</b> фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент <b>Норов Тожи Омонович</b> фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
<b>Ётақчи ташкилот:</b>	<b>Навоний давлат педагогика институти</b>

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил "28" декабрь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони, 15-уй. Тел.: (8366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239 - 11 - 40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-кават, 105-хона).

Диссертацияси билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 85 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони, 15-уй. Тел.: (8366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил "16" декабрь кунинда тарқатилди.  
(2021 йил "16" декабрь даги 85 рақамли реестр баённомаси).



**Ш.Ш.Негматова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

**Х.А.Джуракулов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

**А.Р.Самадов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги глобаллашув жараёнида юзага келаётган инсоният маънавий-ахлоқий ва умуминсоний кадриятларидаги ижобий ўзгаришларни ривожлантиришда дунё халқлари маънавий мероси муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бугунги ахборотлашган жамиятда Шарқ мутафаккирларининг меросида илгари сурилган конструктив ғояларга бўлган эҳтиёж ва интилиш янада кучайиб бормоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда билимларнинг узвийлигини таъминлаш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ва маънавий-ахлоқий қарашларини ривожлантиришда мутафаккирларнинг халқпарварлик, адолатпарварлик, дўстлик, тинчлик, севги, муҳаббат ва маърифатпарварлик каби инсонни комилликка етакловчи қарашларини бугунги давр янгиликлари билан уйғунлаштириб бориш заруратини сақлаб қолмоқда.

Дунё илм-фанида Шарқ мутафаккирларнинг маънавий меросини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш борасида кенг кўламдаги амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, буюк мутафаккир ва маърифатпарварларнинг ижтимоий-фалсафий, диний-ирфоний қарашларининг моҳияти, маърифатпарварларнинг инсонпарварлик, комил инсон ҳақидаги ғояларининг жамият ривожланишдаги ўрни тўғрисида олиб борилаётган тадқиқотлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга дунё олимларининг Шарқ мутафаккирлари маънавий меросидаги фалсафий-ахлоқий ғояларини ҳозирги замон нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил қилиш ва улардан ёш авлоднинг маънавий қиёфасини шакллантиришда фойдаланиш илм-фаннинг зарурий тадқиқот объектига айланмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Марказий Осиё ҳудудида вужудга келган фалсафа ва калом, фикҳ ва тасаввуф илмининг маънавий-ахлоқий тафаккурга таъсирини ўрганиш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланди. “Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс ғоясини фарзандларимиз онгига болалик давридан, боғчадан ва мактабдан бошлаб сингдиришимиз зарур. Бунинг учун тарихни, аجدодларимиз меросини, дунё тажрибасини, турли халқларнинг ютуқ ва камчиликларини атрофлича ўрганиш керак”<sup>1</sup>. Бу борада Алишер Навоийнинг маънавий меросини ўрганиш ва унинг умуминсоний ғояларини ёш авлод онгига сингдиришда академик Е.Э.Бертельснинг илмий-назарий жиҳатдан асосланган илмий тадқиқотларини чуқур таҳлил қилиш ва ёшлар онгига сингдириш заруриятга айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2018 йил

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2021. –Б.299.

12 майдаги ПҚ-3721-сон “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номи устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Шарқшунос олим Е.Э.Бертельс илмий меросини ўрганишда канадалик Мария Сабтел, америкалик Nicholas Gerard Walmsleyлар олиб борган илмий тадқиқотлари долзарб аҳамиятга эга. Жумладан, канадалик Мария Сабтелнинг<sup>1</sup> илмий тадқиқотларида Алишер Навоийнинг мумтоз ўзбек адабиётига қўшган улкан хиссаси, маънавий меросидаги ижтимоий-фалсафий ғояларни ўрганишда Е.Э.Бертельс асарлари муҳим манба бўлган.

МДҲ олимлари Г.Ю.Алиев<sup>2</sup>, А.М.Багировларнинг Е.Э.Бертельс маънавий меросини ўрганиш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, бу олимларнинг илмий изланишларида Е.Э.Бертельснинг темурийлар даври ижтимоий-сиёсий ҳаёти, тасаввуф таълимоти, А.Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари тўғрисидаги қарашлари тадқиқ ва таҳлил қилинган.

Мустақиллик йилларида ўзбек олимларидан А.Хайруллаев, Х.Алиқулов, Н.Комилов<sup>3</sup>, Б.Эралиев, И.Ҳаққулов, С.Олимов, К.Муллахўжаева, Э.Очилов, А.Ўринбоев, И.К.Мирзаев, Д.Салоҳий, Ш.Сирожиддинов<sup>4</sup>, М.Д.Пардаева<sup>5</sup> каби олимлар Е.Э.Бертельс ижодини атрофлича тадқиқ қилганлар. Жумладан, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, С.Олимовлар томонидан шарқшунос олим Е.Э.Бертельснинг Навоий асарларидаги тасаввуф фалсафасига доир ва адабиётнинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўрни тўғрисидаги қарашларнинг илмий таҳлили ҳозирги даврда ҳам катта нуфузга эга эканлиги эътироф этилган.

<sup>1</sup> Мария Сабтел. - Journal of the American Oriental Society (vol.111, No. 1) 1991.

<sup>2</sup> Г.Ю.Алиев. – Библиография научных трудов члена-корреспондента АН СССР. Е.Э.Бертельса. “Советское Востоковедение” 1958. №1.

<sup>3</sup> Комилов Н. Тасаввуф. - Ташкент: Мовароуннахр-Ўзбекистон, 2009.

<sup>4</sup> Сирожиддинов Ш.С. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари (қиёсий-типология, текстология таҳлил): Филол. фан. докт. дисс. ... автореф.- Тошкент, 1998. - 45 б. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳли. - Т.: Akademiashr, 2011. - 326 б.

<sup>5</sup> Пардаева М. Алишер Навоий асарларида комил инсон ғояси. - Т.: 2005. – 78 б.

Е.Э.Бертельс илмий мероси бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамай, унинг ижтимоий-фалсафий моҳияти бугунги кун нуқтаи назаридан тўлиқ ўрганилмаганлиги сабабли, тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган илмий ишлардан фарқли равишда Е.Э.Бертельс ижодида илгари сурилган нақшбандия таълимотининг ривожиди Алишер Навоийнинг маънавий мероси, унинг фалсафий-ахлоқий жиҳатларини тадқиқ этиш танланган мавзумизнинг ҳозирги давр илмий нуқтаи назардан долзарблигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон ҳудудларидаги тарихий-маданий анъаналар ва уларнинг замонавий кўринишларини тарғиб этувчи платформа яратиш” (2020-2022) мавзусидаги ПЗ-2020022811 рақамли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Е.Э.Бертельс илмий ижодида Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий, тасаввуфий ғоялари мазмун-моҳиятини очиб бериш ва уларнинг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига қаратилган концептуал ғояларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Шарқшунос олим Е.Э.Бертельс асарларидаги А.Навоийнинг тасаввуф фалсафасини, шарқ халқлари ижтимоий-маданий ҳаётини тасвирловчи меросини таҳлил этиш;

Е.Э.Бертельснинг ижодида Алишер Навоийнинг маънавий меросини, нақшбандийликнинг Навоий ижодига таъсирининг объектив ва субъектив омилларини, тариқат даражалари тавсифини, амалий аҳамияти моҳиятини очиб бериш;

Е.Э.Бертельснинг ижодида илгари сурилган Навоий меросидаги борлиқ, унинг шакллари, билишнинг босқичлари, ривожланиши, ўзгариш категориялари билан боғлиқ илмий қарашларини фалсафий таҳлил этиш;

Е.Э.Бертельс ижодидаги Навоийнинг пантеистик (“Ваҳдат ул-вужуд”) ғояларини, фано, бақо, нафс тушунчалари, зоҳирий ва ботиний илмий меросининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;

Е.Э.Бертельс асарларида Навоий ижодини таҳлил қилиш, аслиятга эгаллиги, уларда умумбашарий муаммоларнинг кўйилиши ва ечими масалалари, ижодининг рамзий характерини кўрсатиш ҳамда ёшлар баркамоллиги ва интеллектуал салоҳиятига позитив таъсирини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Е.Э.Бертельс илмий тадқиқотларида А.Навоийнинг ижтимоий-фалсафий ва тасаввуфий қарашлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий ва тасаввуфий қарашларини шарқшунос олим Е.Э.Бертельс илмий мероси тизимидаги ўрни ва аҳамиятини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анализ, синтез, индукция, дедукция, аналогия, герменевтика каби илмий тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Е.Э.Бертельснинг Алишер Навоий маънавий меросини ўрганиш сабаблари, мутафаккир дунёқараши шаклланишидаги моддий ва маънавий манбалар, асарларининг асл (оригинал характер)лиги, рамзий маъноси, бадий тафаккурига тасаввуфнинг таъсири, ижодини субъектив таҳлил қилишнинг асосизлиги илмий нуқтаи назардан очиб берилган;

Е.Э.Бертельс асарлари орқали Алишер Навоий ижодида софистик, догматик, эклектик тафаккур усулларида диалектик тафаккур усулининг доминант характерга эгалиги мантиқий далилланган;

Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихи, форс-тожик, туркий тилли халқлар маданияти, тасаввуф адабиёти, символика (рамз)сининг вужудга келиши, уларнинг алоқадорлиги ва ўзаро таъсирини аниқлашда Е.Э.Бертельснинг маънавий мероси муҳим аҳамиятга эгалиги илмий манбалар асосида исботланган;

Е.Э.Бертельс томонидан нақшбандийлик тариқатининг Навоий маънавий меросидаги ўрни, бу тариқатдаги бағрикенглик, халқчиллик, анъанавийлик ва замонавийликнинг уйғунлиги, ахлоқнинг моҳияти, тамойиллари ва уларнинг ҳозирги глобаллашув даврида маънавий-ахлоқий тарбиядаги конструктив аҳмияти аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Е.Э.Бертельс ижодини ёритиш натижасида форс-тожик ва туркий тилларда ёзилган муҳим манбаларни тадқиқ қилишнинг компаративистик усулининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг шарқшунослик ривожланишидаги ўрнини ўрганишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

Навоийнинг маънавий меросида диний ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигини ифодалаш ва амалга оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

комил инсон ва баркамол шахсни тарбиялаш мезонлари борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

жамиятда баркамол шахс тарбиясида фалсафий дунёқараш ва ўзликни англаш борасидаги мезонлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, ёндашув услублари, усуллар ва илмий маълумотларнинг расмий манбалардан, ишончли далиллардан олинганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар ва у ҳақдаги тақризлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий ва назарий-методологик хулосалар, илгари сурилган концептуал ғоялар, хулосалар



ҳамда таклифлар ижтимоий фалсафа, маънавият асослари, ахлоқшунослик фанларида, комил инсон тарбиясига доир назарий ва умумметодологик ёндашувларни такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ёш авлодни тарбиялаш билан шуғулланадиган ташкилот ва муассасалар томонидан Шарқ маънавий мероси, миллий қадриятларни тарғиб қилиш, Ёшлар ишлари агентлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва уларнинг бўлимлари маънавий-маърифий дастурларида, маҳаллий ўқув ва тарбия билан шуғулланувчи ташкилотлар, ижодий муассаса ва ассоциациялар фаолиятида ҳамда мавзу юзасидан дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Е.Э.Бертельс ижодида Алишер Навоий фалсафий-тасаввуфий қарашларини илмий тадқиқ қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар асосида:

Е.Э.Бертельс Алишер Навоийнинг маънавий меросини ўрганиши сабаблари, илмий тадқиқотларида эса мутафаккир дунёқараши шаклланишидаги моддий ва маънавий манбалар, замонавийлаштиришга доир таклиф ва тавсияларидан “Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи” мавзусидаги ОТ-Ф1-138 рақамли фундаментал лойиҳа ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 декбардаги 89-03-2420-сон маълумотномаси). Натижада Шарқнинг буюк мутафаккирлари маънавий мероси, нодир қўлёмаларини асраб авайлашга ва ёш авлоднинг комил шахс сифатида камол топишида хизмат қилган;

Е.Э.Бертельс асарларида Алишер Навоий ижодида борлиқнинг моҳияти, тузилиши, объективлиги, табиий, ижтимоий, инсон борлиғи, ҳиссий ва ақлий билиш босқичлари, ривожланиши каби фалсафий муаммоларнинг бадий усулдаги талқини, пантеизм ва тасаввуфнинг фалсафий дунёқарашига таъсирига оид таклиф ва тавсияларидан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” дарслигидаги “Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий ғоя концепцияси билан боғлиқлиги” деб номланувчи 2-бобининг “Ўрта асрлардаги ғоявий қарашлар тарихи ва ривожланиш хусусиятлари” ҳамда “Маърифатпарварлик ғоялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари”, 18-бобнинг “Комил инсон ва баркамол авлодга хос бўлган, баркамоллик сифатлари, мезонлари”, “Комил инсоннинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар, шарт-шароитлар”, “Баркамол авлоднинг шаклланиши, унга хос хусусиятлар: янгича тафаккур, фалсафий дунёқараш, маънавий-ахлоқий поклик, юксак маънавият” каби мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 89-03-2420-сон маълумотномаси). Бу эса аҳоли, айниқса, ёшлар онгига маърифатпарварлик, умуминсоний ва миллий қадриятлар, миллий ғояларини сингдиришга хизмат қилган;

Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихи, форс-тожик, туркий тилли халқлар маданияти, тасаввуф адабиётининг вужудга келиши, тадрижий ривожланиши объектив шарт-шароитлари, уларнинг алоқадорлиги, ўзаро таъсирига доир тақлиф-тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий маркази томонидан нашр этилган “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий-фалсафий мероси номли энциклопедияси”ни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий марказининг 2021 йил 6 январдаги 02/05-сон маълумотномаси). Бу эса ўз навбатида “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси”ни мазмунан такомиллаштиришга хизмат қилган;

Е.Э.Бертельс томонидан нақшбандийлик тариқатининг Навоий маънавий меросидаги ўрни, бу тариқатдаги бағрикенглик, халқчиллик, анъанавийлик ва замонавийликнинг уйғунлиги, ахлоқнинг моҳияти, тамойиллари ва уларнинг ҳозирги глобаллашув даврида маънавий-ахлоқий тарбиядаги конструктив ўрнига доир илмий, амалий ва методологик ғоялари, тақлиф-тавсияларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясида 2020 йил 10 ноябрь куни эфирга узатилган “Таълим ва тараққиёт” кўрсатувининг навбатдаги сони сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 17 ноябрдаги 09-01/331-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларда маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 135 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Е.Э.Бертельс маънавий меросини ўрганишнинг назарий-методологик асослари**” деб номланган бўлиб, шарқшунос олимнинг маънавий мероси ижтимоий-фалсафий таҳлил қиланади. Буюк шарқшунос олим Евгений Эдуардович Бертельс форс-тожик, бир қанча туркий адабиётнинг ўз замонасидаги йирик мутахассиси, шунингдек, у тасаввуф адабиёти, Фирдавсий, Низомий, Фузулий, Жомий ҳаёти ва ижоди, Марказий Осиё мутафаккирлари фалсафий меросининг улкан тадқиқотчиси, Шарқ халқлари маданияти тарихига доир илмий асарлар муаллифидир.

Е.Э. Бертельс туркий тилда ижод қилган Алишер Навоий, Фузулий, Махтумқули асарларини форс шеърини билан қиёслади ва уларнинг ўзига хослигини далиллар билан асослаб берди. Шу билан бирга фан тарихида биринчи бор Бедил тўғрисидаги илмий иши, Жомий тўғрисидаги монографиясини қайд қилмоқ зарур. Е.Э.Бертельс Фирдавсий ҳаёти ва ижоди тўғрисида монографияни ҳам нашр эттирган. Бу монография Ғарб ва Шарқда Фирдавсий маънавий меросини ўрганиш учун муҳим манба бўлди.

Е.Э.Бертельснинг илмий ижодида Низомий ижоди марказий ўринни эгаллайди. Олимнинг Низомий тўғрисида талайгина асарлари бўлиб, шоирнинг ижодини ўрганиш бўйича асосий вазифаларнинг анчагина қисми ҳал қилинган. Буларда олим томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар асосида Низомий асарларининг матни танқидий ўрганилди. Энг сўнгги монографиясида буюк Низомийнинг ҳаёти, ижоди ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Гарчанд Е.Э.Бертельснинг илмий тадқиқотларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш асосий мавзу ҳисобланган бўлса ҳам, теурийлар даври ўзбек адабиётининг буюк вакиллари ҳам унинг назаридан четда қолмади. Бу соҳага ҳам шарқшунос олим катта қизиқиш билан қаради ва улкан муваффақиятларга эришди. У илк бор Навоий ижодий фаолиятдан олдинги Хуросон ва Марказий Осиё адабий ҳаётига тавсиф берди.

Шунингдек, Е.Э. Бертельснинг Форобий, ибн Сино ва Беруний ижодини ўрганиш тўғрисидаги фикрлари илмийлиги билан аҳамиятга эгадир. Е.Э.Бертельс Марказий Осиё қомусий олимларининг илмий асарлари орқали X-XI асрларда Марказий Осиёда ҳам фан ривожланиши юксак чўққига чиққанлиги исботлайди.

Тасаввуф ғояларининг тадрижий ривожланиши узоқ даврни ўз ичига олади. У зоҳидлик амалиётидан схоластик фалсафа йўлини босиб ўтди. Тасаввуфнинг асосий қонун-қоидалари IX асрдан бошлаб тахминан XII асрнинг бошларигача ўзига хос кўринишга эга бўлди. Шарқшунос олим Е.Э.Бертельс бундай мураккабликнинг сабабини тасаввуф турли оқимларининг ғоят ранг-баранглиги ва фарқида деб билди. Аммо барча оқимлар учун у ёки бу даражадаги муштарак ҳолатларни аниқлаш мумкин. Бу ҳам бўлса, ҳақиқий манзарани тахминан акс эттирувчи умумлашмалардан иборат бўлади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Бертельс Е.Э. Сўфизм ва тасаввуф адабиёти. Рус тилидан Ибодулла Мирзаев таржимаси. Т.-“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. 2005. Б. 61.

Шуни таъкидлаш жоизки Е.Э.Бертельснинг асарларида тасаввуф оқимлари унсурларида умумийлик мавжудлиги эътироф этилган. Биринчидан: психологик назариялар. Тасаввуф тарақиётининг бутун бир даврида мистик ўз-ўзини такомиллаштириш йўлининг уч босқичга-шариат, тариқат, ҳақиқатга бўлинишини кўрсатиш мумкин. Тариқатда (сафар, саёҳат) образи киритилган экан, унда манзил образи ҳам мавжуддир. Бу манзиллар мақом термини билан белгиланади. Бу мақомларнинг ҳар бирида руҳий ҳолатлар бўлиб, улар шу босқичга хосдир. Иккинчидан: гносеологик унсурлар. Сўфизмнинг дастлабки назариётчиларининг психологик тадқиқотлари гносеологик характердаги масалаларни кўтариб чиқишга олиб келди, дея эътироф этади Е.Э.Бертельс. Бу олим моҳиятан шариат, тариқат, ҳақиқат учлиги айтилган пайтда билишнинг уч босқичига ҳам мос келади деб ҳисоблайди. Тасаввуф назариётчилари руҳий ҳолат билан бирга, гносеологик саволларга жавоб беришга интилиб, шариат, тариқат, ҳақиқат-учлик шу билан бирга билишнинг турли поғоналари деган хулосага келганлар. Бу учта поғонани қуйидаги ўхшашлик билан изоҳлаганлар: 1) Илм ал-йақин (“ишончли билим”). Бу шариат босқичида одатдаги мантикий билишдир; 2) айн ал-йақин (“тўлиқ ишонч”). Бу солиқ тариқат босқичида оладиган билимдир; 3) Хақ ал-йақин (“ҳақиқий ишонч”). Бу билишнинг айнан ҳақиқат босқичига мос шаклидир. Учинчидан: онтология. Дастлабки мутасаввуфларни онтологик муаммолар жуда оз қизиқтирган. Тасаввуф назариётчиларининг фикрига кўра, пайғамбарнинг руҳи биринчи бўлиб яратилган, у ёруғ нур сочувчи нукта шаклида пайдо бўлган. Бошқа танланган руҳлар шундан нурланган. Мутасаввуфлар яратилишдан олдин ягона илоҳий субстанция мавжуддир, деб ҳисоблайдилар, Демак, Е.Э.Бертельс фалсафий ғояларнинг тасаввуф доирасига кириб келиши анча олдинги босқичда содир бўлган, деган хулосага келди.<sup>1</sup>

Мантикий изоҳлашга бўйсунмайдиган нарсани санъат орқали акс эттириш мумкин бўлди. Поэзия бевосита ҳиссиётга таъсир қилади, шунинг учун, табиийки, у ҳис-ҳаяжоннинг нозик нуқталарини кўрсата олмайди. Тасаввуф лирикасининг яна бир функцияси шундан иборат эдиким, у ўз фалсафасини рамзлар ниқобида кўрсатганлиги учун хавфсиз мавқеда турар эди.

Тасаввуфнинг пайдо бўлиши учун характерли бўлган, сама деб аталувчи урфни тадқиқ қилиш у тўғрисида тўлиқроқ маълумот бериши мумкин. Сама (сўзма-сўз-тинглаш) тасаввуфий суҳбатлар пайтида мусиқа садолари остида қўшиқ айтиш (кейинчалик бунга рақс ҳам қўшилади)дан иборатдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, тасаввуф адабиётини ўрганмасдан, Марказий Осиё мусулмон Шарқининг маданий ҳаёти тўғрисида ёрқин тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас.

---

<sup>1</sup> Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Из-во “Наука”. Главная редакция Восточной литературы. Отв. ред. А.Н.Болдырев. Избранные труды. Том.3. М. 1965. Б.38-39.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Е.Э.Бертельс ижодида Алишер Навоий фалсафий меросининг талқини ва таҳлили**” деб номланган бўлиб, унда мутафаккирнинг фалсафий мероси шарқшунос олим Е.Э.Бертельс томонидан тадқиқ қилинади. Алишер Навоий ўзбек мумтоз маданияти ва адабиётининг энг порлоқ намоёндаси бўлганлиги учун шарқшунос олим Е.Э.Бертельс унинг ижодига жиддий эътибор берди. У ўзининг Алишер Навоий ижодига бағишланган “Навоий” номли монографиясида XV асрда Марказий Осиёдаги адабий ҳаёт манзарасини чизади.

Е.Э.Бертельс Навоий ижоди бутунлай рамзий характерга эга, деб ҳисоблаган олимларнинг қарашлари асосизлигини исботлашга ҳаракат қилиб, ушбу талқинлар ҳақиқатга тўғри келмайди, деб эътироф этади. Шунингдек, улуғ шоирнинг лирик шеърятини таҳлил қилар экан, унда тасаввуфнинг ўрнини ошириб баҳолашни рад этган ва бундай изоҳлаш ҳақиқатга тўғри келмайди,-деган.

Навоийнинг “Хамса” асари шоир ижодиётининг энг олий чўққисидир. “Хамса”га кирган беш дostonда шу давр ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётининг деярли барча масалалари акс этган. Dostonларнинг ҳаммасида фалсафий-ахлоқий масалалар талқини ҳам мавжуд. Е.Э.Бертельс талқинидан Навоийнинг “Хамса”си жаҳон адабиётининг ўлмас обидаларидан бири, ҳамсачилик анъаналарида янги ва улкан бир ҳодиса эканлигини англаш мумкин.

Навоийнинг асаридаги асосий ғоя “вахдат ул-вужуд” (“вужуд ягона”лиги) ва тажаллий (тасаввуф фалсафасига кўра бу дунё Аллоҳнинг тажаллийси)дир. Навоий фикрича, Ҳақ нурига ғарқ бўлиб, унинг жамоли ҳароратида ёнмагунча Ҳақни англаб бўлмайди.<sup>1</sup>

Е.Э.Бертельс Алишер Навоий ижодини ҳар қандай идеаллаштириш ва замонавийлаштиришга ҳамда унинг ҳаёти ва ижодини субъектив таҳлил қилишга қарши чикди. Шунинг учун улуғ шоир ижодини асосиз, нотўғри талқин қилишдан ҳимоя қила олди. Навоийнинг ижоди бой ва кўп қиррали бўлиб, унда борлиқнинг моҳияти, инсон ҳаётининг мазмуни ҳақида чуқур фалсафий мулоҳазалар юритилган. Алишер Навоийнинг асарларида борлиқ, билиш, ривожланиш, мазмун ва шакл ва шу каби фалсафий муаммоларнинг юксак маҳорат билан бадиий усулда талқин қилиниши уни фалсафа фанининг билимдони деб ҳисоблашга далил бўла олади. Навоий асарларидаги фалсафий ғоялар дунёқарашининг барча асосий белгиларини ўзида мужассам этган.<sup>2</sup> Навоийнинг барча асарларида, хусусан “Хамса” ва “Маҳбубу-ул-қулуб”ида фалсафанинг фундаментал тушунчалари тавсифини кўриш мумкин.

Е.Э.Бертельснинг таъкидлашича, Навоий асарларида диалектика тушунчаси қўлланилмаган бўлса-да, шоир ижодининг таҳлили унда диалектик тафаккур мавжудлигини кўрсатади. Навоийнинг диалектик тафаккур усули ўз моҳияти билан софистик, эклектик ва догматик тафаккур

<sup>1</sup> Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Тошкент. «Movarounnahr-O'zbekiston». 2009. 40-бет.

<sup>2</sup> Бертельс Е.Э. Навоий. Монография. /Таржимон. И.К.Мирзаев-ф.д.-Т.: “Tafakkur qanoti”, 2015. Б. 216.

усулларидан тубдан фарқ қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, билиш назарияси Навоий ижодида, умуман, унинг фалсафий тизимида асосий белгилловчи лаҳзалардан бири ҳисобланади. Навоий воқеликни тўғри акс эттириш катта аҳамиятга эга бўлиб, у билиш жараёнининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Е.Э.Бертельс ижодида Навоийнинг реал воқелик билим манбаи, инсон билимни ўраб турган оламдан олади, билим бу оламнинг аксидир (акси-жаҳон) деган фикрлари ўз аксини топган. Буларнинг барчаси субъектдан ташқарида мавжуддир. Навоийнинг фалсафий асари “Ҳайратул аброр”да бу масалага махсус боб ажратилган. Оламдаги барча нарсалар идрок (ҳис қилиш аъзолари) қилиш предметлари (объектлари)дир.

Навоий сезги ва ақлнинг билиш жараёнидаги роли ва ўрнини образли тарзда ифодалайди. Мутафаккирнинг фикрича ақл борликни идрок этишнинг юқори босқичи бўлиб, у ҳам Худонинг инъомидир. Навоий ақлга, уни теvarак-атрофдаги мураккаб ҳодисаларни билишдаги ролига объектив баҳо беради.

Алишер Навоий бадиий асарларида мазмун ва шаклга жиддий эътибор қаратади. Навоийнинг фикрича, мазмун воқеликни, объектив реалликни акс эттиради. Мазмун ва шакл кишиларнинг борлиқни билишида катта роль ўйнайди. Мазмун ва шакл категориялари оламдаги турли нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг диалектикасини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Е.Э.Бертельс Навоий ҳаракат, ўзгариш, ривожланишни умумий тарзда кўрсатган бўлишига қарамасдан, энг аввало, оламнинг ягоналиги, конкрет борлиқ ва ундаги ҳаёт, гўзал, табиатдан ташқарида бошқа борлиқ ва ҳаётни излаш беъманиликдир, деган фикрларини асослаб берди. Мутафаккирнинг таъкидлашича, борлиқда узлуксиз жараён, ҳаракат амалга ошади, унинг натижасида эса доимий ривожланиш, ўзгариш, янгининг пайдо бўлиши, эскининг йўқолиши содир бўлади.

Навоийнинг фикрича, ердаги ҳамма нарсадан энг қадрлиси инсондир. Инсоннинг кадр-қиммати мезони ижтимоий келиб чиқиши ва мол-мулки эмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари ҳисобланади. Агар Худога муҳаббат бўлса, инсонни ҳурмат қилиш керак, у чунки Худонинг тўлиқ ва мукамал намоён бўлишидир.

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида жамиятдаги турли табақаларнинг ҳақиқий қиёфасини тавсифлайди. Бу асар фалсафий мушоҳадаларга бой бўлиб унда турли табақа ва касбдаги одамларга ахлоқий-психологик тасниф берилади, ахлоқий фазилятлар, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва ўрни кўриб чиқилади, афоризмлар, эркин ифодалар ва чуқур мазмунли ҳикматлар келтирилади. Алишер Навоийнинг асарларига фалсафий мушоҳадаларнинг қуруқ мантиғи ва мавҳум пастулатлар<sup>1</sup> хос эмас.

Шуни таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий яшаган даврда соф ижтимоий-фалсафий фикрлар кам учрайди. Шунингдек, Навоийнинг ижтимоий-фалсафий фикрлари ҳам унинг асарларида асосан рамзий,

<sup>1</sup> Исботсиз ҳам қабул қилинаверадиган дастлабки коида, фараз.

маъжозий тарзда акс этган. У Ўрта аср Шарқининг мураккаб шароитига қарамай фалсафий фикрни схоластика таъсиридан қутқаришга ҳаракат қилди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Е.Э.Бертельс меросида Алишер Навоий фалсафий-ахлоқий ғоялари талқини**” деб номланади. Бу бобда Е.Э.Бертельснинг тадқиқотларида Навоийнинг фалсафий-ахлоқий ғояларининг ҳозирги даврда ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти тадқиқ қилинган.

Мустақиллик йилларида Навоий шеърларида тасвирланган маъно ва тимсолларнинг зоҳирий эмас, балки ботиний “қатлам”лари тўғрисида чуқур мушоҳада юритиш асосий мақсадга айланди. Алишер Навоийнинг шеърлярида тасаввуфнинг талай жиҳатлари талқин, тарғиб қилинган, шарҳланган, мазкур фалсафанинг у ёки бу масалага бевосита муносабати намоён бўлган.<sup>1</sup> Улуғ шоир ва мутафаккир Навоийнинг инсон ҳаётига доир фалсафий-ахлоқий мушоҳадалари нақшбандийлик тариқати талаб ва кўрсатмалари бўйича ёритилган. Умуман олганда, Навоий асарларида тасаввуф фалсафасидаги ахлоқий қонун-қоидалар, инсонпарварлик, нафсни тийиш, адолат, табиат ва инсонни севиш, таълим-тарбия тўғрисидаги ғоялар сингдирилган.

Е.Э.Бертельснинг фикрича, Алишер Навоийнинг бадиий ижоди мажозий хусусиятга эга бўлганлиги учун тасаввуф анъаналари билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга тасаввуфга икки маънолилик, рамзийлик хос бўлиб, илм ташқи (зоҳирий) ва ички (ботиний) маъноларда талқин қилинади. Тасаввуф таълимотига хос бўлган бу бинарлик (иккилик) илоҳиёт - коинот, илоҳиёт- инсон, илоҳийлик – дунёвийликнинг ўзаро узвий боғлиқлигида намоён бўлади.

Е.Э.Бертельс Фаридудин Атторнинг “Маниқ ут-тайр” ва Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарларини батафсил қиёсий таҳлил қилди. Е.Э.Бертельснинг фикрича, Навоийнинг бу асарида Атторнинг кескин фалсафий қарашлари юмшатирилган ва тасаввуф мўътадил шаклда баён қилинган. Энг аввало, Навоий Атторнинг сюжетига янгидан - янги ҳикоялар қўшган, бир мавзуни бошқаси билан алмаштира олган. Чунки тасаввуфдан жиддий хабардор бўлмасдан ва Атторнинг ўз олдига қуйган вазифаларни чуқур англаб етмасдан шоир бундай ишларни амалга ошира олмас эди.

Навоийнинг чуқур мазмунга эга бўлган ҳаёт фалсафасида ахлоқий мазмундаги ғоялар ҳам ўз аксини топган. Навоийнинг маънавий мероси тадқиқотчиси Е.Э.Бертельснинг эътирофича, шоир ўз олдига асосан ахлоқий таълимотни ёритиш, унинг жамият ҳаётида қўлланилишини кўрсатиш вазифасини қўяди.<sup>2</sup> Алишер Навоийнинг бадиий асарларида илғор фалсафий-ахлоқий ғоялар, тамойиллар, ахлоқнинг моҳияти, мазмуни ва тушунчасига доир фикр ва қарашлар ижобий қаҳрамонлар образлари орқали намоён бўлади. Мутафаккир ахлоқни амалий фан (илми амалия), деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу ижтимоий феноменнинг амалий характери жамият

<sup>1</sup> Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. -Тошкент. Ўқитувчи. 1996. Б.88.

<sup>2</sup> Бертельс Е.Э. Навоий. Монография. /Таржимон. И.К.Мирзаев-ф.ф.д.-Т.: “Tafakkur qanoti”, 2015. Б.199.

аъзоларини тарбиялашда кўринади. Алишер Навоийнинг фикрича, ахлоқ-яхшиликка (фазилат) кўшилиш (ижтиноб) ва нуқсонлар (разолат)дан тийилиш (ихтисоб) усулидир.

Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида зот, сифот (сифатнинг кўплиги) ва камолот каби тушунчалар ишлатилади. Бу тушунчалар орқали одамнинг инсонийлик ҳолатини белгиловчи сифатлар тавсифланади. Е.Э.Бертельс илмий меросида Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ишқни уч хил талқин қилганлигини таҳлил қилади. Биринчиси, авом ишқи бўлиб, у оддий кишилар орасида кенг тарқалган. Иккинчиси, хос кишиларга насиб қилади, улар юксак фазилатли инсонлар сирасига кирадилар ва покликлари билан ажралиб турадилар. Бошқалар уларнинг жамолидан баҳраманд бўлишни истайдилар. Учинчиси, сиддиқлар ишқидир. Бундай тоифадагилар Аллоҳ васли ва жамолини кўришга муштоқдирлар. Шу мақсад йўлида ҳатто ҳалок бўлишлари мумкин.<sup>1</sup>

Улуғ шоирнинг дунёқарашини чуқур англашда “Хамса”даги дostonлар муҳим манба ҳисобланади. Бу асарларда унинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий қарашлари ўз аксини топган. Навоийнинг ҳаёт фалсафаси яхшилик ғояларини тараннум этиш, ёмонлик ғояларини эса танқид қилишга қаратилган. Бу ҳаёт фалсафасида инсонларни ёмонликдан нафратланишга ундаш мавжуд. Яхшилик ғоялари қонун, адолат, ишқ ва тўғрилиқда намоён бўлади. Демак, улар баркамол инсоний фазилатларда мужассамдир. Е.Э.Бертельснинг эътирофича, ижобий қаҳрамонларга эзгу фазилатлар хос, улар адолатли кишилар, мукаммал жамият қурадиган ва халқ фаровонлиги учун курашадиган комил инсонлардир. Аммо Е.Э.Бертельс Алишер Навоий асарларини дунёвийлик жиҳатдан таҳлил қилади. Унинг назаридан диний-фалсафий жиҳатлар, яъни мажозий ишқ, Аллоҳ васлига муяссар бўлиш масалалари четда қолади. Бунда, албатта, шўролар давридаги мафкура, синфийлик тамойили Е.Э.Бертельснинг илмий тадқиқот натижаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатганлигини инкор қилиб бўлмайди.

Навоийнинг фикрича, инсонга қаноат, матонат, саховат ва ҳиммат ҳамда мурувват каби ахлоқий фазилатлар хос бўлиши лозим, чунки шулар туфайли унинг улуғлиги намоён бўлади. Бу ахлоқий фазилатлар билан инсоннинг чин қалби ўртасида боғлиқлик бор. Бундай фазилатли инсон жамоавий ахлоқ белгиларига эга бўлади. Навоийнинг қаноат ва сахийлик тўғрисидаги фикрлари ҳамоҳанг бўлиб, улар бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардир. Навоийнинг нуқтаи назарича, қаноатни ўзига касб қилган киши энг бой инсон ҳисобланади. Ҳақиқий бойликнинг мезони мол-дунё билан эмас, балки қаноат билан белгиланади. Навоий сабрни ҳам инсоннинг муҳим фазилати деб ҳисоблайди. Инсон ўз нафсини сабр орқали жиловлаши мумкин. Юқорида билдирилган фикрлар шундан далолат берадики, Навоий ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий қарашларининг асосий мазмуни инсон моҳияти, маънавий олами, одоби, хулқ-атвори масалаларидан иборатдир.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн тўртинчи том. Маҳбуб ул-қулуб. “Фан” нашриёти. Тошкент- 1998. Б.70.



